


Қуръонга эҳтиром (бешинчи мақола)



11:20 / 09.09.2019 2891

Инсониятни ҳидоятга чорловчи, самовий китобларнинг сўнггиси, тиловати ҳам, ҳифзи ҳам, эҳтироми ҳам ибодат, олдинга қўйганларни жаннатга бошлаб боровчи, ортга қўйганларни эса жаҳаннамга ҳайдаб боровчи ҳужжат, мусулмонларнинг ҳаёти дастури, мўминларга хушхабар берувчи, кофирларни огоҳлантирувчи, Раббимизнинг мўъжиза каломи бўлмиш – Қуръони каримга ҳурмат кўрсатиш ҳақида берилаётган мақолаларимизнинг сўнгги қисмини Аллоҳнинг тавфийқи ила ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Тўртинчи қисмнинг сўнггида Каломуллоҳни хатм қилган қори дуо қилиш учун аҳли оиласини жамлаши ҳам Аллоҳнинг каломига кўрсатилган ҳурмат намунасидан деб айтилган эди. Шунга илова тарзида:

- 1. Абу Бакр Анбарий раҳимаҳуллоҳ шундай зикр қилади: бизга Идрис хабар қилди, бизга Халаф ҳадис айтди, бизга Вакиъ Мисъардан ҳадис айтди, у Қатодадан: Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу қачонки Қуръонни хатм қилса оиласини йиғар ва биргалашиб дуо қилар экан. Шунингдек, Мужоҳид, Уббода ибн Абу Лубоба ва яна уларнинг бир қанча замондошлари қачонки Қуръон хатм қилиш учун қўлларига мусҳаф олса оиласига “тайёр туринглар, хатми Қуръон пайтида Аллоҳнинг раҳмати нозил бўлади”—деб огоҳлантириб қўйишар экан. Иброҳим ат-Таймий айтади: Кимки Қуръонни кундузнинг аввалида хатм қилса унга фаришталар то кун кеч киргунча саловат айтиб

???????? ????????????? ????????????? ?????????? ?????
????????????.- ????????? ????????????? ????????? ?????????

Ҳой! Албатта, Набийингиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақиқатда айтди:
Албатта, Аллоҳ бу Китоб билан баъзи қавмни юксалтиради ва кимларнидир пастлатади! *Имом Муслим ва Ибн Можа.*

Яратган Мутакаллим Раббимиз Ўз каломини муносиб тарзда эҳтиром
айлашимиз учун тавфиқ берсин! Қуръон билан фақат кўтарилиш насиб
этсин! Қуръон билан тубанликка кетадиганларга қўшилиб қолишдан Ўзи
асрасин! Омин!

(Тамом)

Авазбек Мўминов

Андижон шаҳар «Чинор» жоме масжиди имом хатиби